



TOP-CONFERENCES

International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies

International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies is a double-blind peer-reviewed, open-access journal published to reach excellence on the scope. It considers scholarly, research-based articles on all aspects of economics, finance and accounting. As an international congress aimed at facilitating the global exchange of education theory, contributions from different educational systems and cultures are encouraged. It aims to provide a forum for all researchers, educators, educational policy-makers and planners to exchange invaluable ideas and resources.

Хўжалик Юритувчи Субъектларда Пул Маблағлари Ҳисобининг Ташкилий Жиҳатлари

Раҳмонов Шерзод Шеркулович

ISFT институти “Фундаментал иқтисодий фанлар” кафедраси доценти

Марказий банк томонидан “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқнома”га (рўйхат рақами: 3028-сон, 2018 йил 29 июнь) киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар 2020 йил 22 октябрда 3028-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Хужжатга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосан банклар филиалларида касса ишларини ташкил этишни эркинлаштириш ва соддалаштиришга, шу билан бирга, банк кассасидаги нақд пул ва бошқа қимматликларнинг бут сақланишини таъминлаш бўйича банкларнинг масъулиятини оширишга қаратилган.

Йўриқномадаги асосий ўзгартиришлар қуйидагилардан иборат:

1. Банклар (филиал) биносидан ташқарида ташкил этиладиган кассаларни **банк жойлашган ҳудуд билан чегараланмасдан республиканинг барча ҳудудларида ташкил этишлари мумкинлиги** белгиланди. Ушбу кассаларнинг қурилиши ва жиҳозланиши Бош банк ҳулосасига асосан амалга оширилади. Бунда ҳулосанинг бир нусхасини илова қилган ҳолда, 10 кун ичида Марказий банкнинг тегишли ҳудудий Бош бошқармасига ёзма равишда **хабардор қилиш кифоя**.
2. Банк (филиал) биносидан ташқарида ташкил этилган кассаларда иш фаолияти самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида Бош банк томонидан банк иш куни охирида **нақд пуллар қолдиғига (хавфсизлигини таъминлаган ҳолда) лимит ўрнатилиши** белгиланди.
3. Касса тармоғида нақд пул ва қимматликлар ҳисобини юритиш учун фойдаланиладиган барча касса китоблари (*161-шаклдаги китоб бундан мустасно*), касса журналлари, бланклар ва варақаларни тўлдириш, расмийлаштириш ҳамда тасдиқлаш ишларини электрон шаклда, яъни **касса тармоғидаги нақд пуллар ва қимматликлар ҳаракати қайд этиб бориладиган махсус дастур ёрдамида ҳам йўлга қўйилишига** рухсат этилди.
4. Пул омбори эшигининг очилиши ва ёпилишига моддий жавобгар шахсларнинг биометрик белгиларини идентификация қилиш имконияти яратилган тақдирда эшикларни сурғучли муҳр билан муҳрлаш талаб этилмайди.

Нақд пул ва қимматликларнинг бут сақланишини таъминлайдиган банк пул омбори эшигининг очилиб-ёпилишига моддий жавобгар шахсларнинг биометрик белгиларини идентификация қилиш имконияти тўлиқ яратилган кассалар эшигини очиб-ёпиш вазифаси банк бошқарув раисининг буйруғига асосан банк филиали бошқарувчиси ўринбосари зиммасига юклатилиши мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш орқали нақд пулларнинг банкдан ташқарида муомалада бўлишини қисқартиришга эришилди, тўловларни амалга ошириш жараёни сезиларли даражада осонлаштирилди, масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларининг функционали кенгайтирилди. Олиб борилган ишлар натижасида аҳолининг банк карталари ва бошқа нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулларига хавфсиз ва қулай тўлов воситаси сифатида бўлган ишончи ошди.

Банк муассасасида ҳисоб-китоб счётини очиш учун (Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага *(АВ томонидан 27.04.2009 йилда 1948-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*) хўжалик юритувчи субъектлар қуйидагиларни тақдим қилиши лозим:

- ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;
- имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган икки дона варақча;
- пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат).
- алоҳида субъектлар учун қонун ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Юқоридаги йўриқномага асосан банкларда қуйидаги турдаги ҳисобварақларни очишлари мумкин:

- талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари;
- жамғарма депозит ҳисобварақлари;
- муддатли депозит ҳисобварақлари;
- бошқа депозит ҳисобварақлари.

Тўловларни амалга ошириш узлуксизлигини таъминлаш, инновацион маҳсулотларни жорий қилиш, банк хизматларининг оммабоплигини таъминлаш ҳамда тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг **2019 йил 1 ноябрда "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги 578-ЎРҚ** қонуни қабул қилинди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги” Низом *(АВ томонидан томонидан 2020 йил 13 апрелда 3229 – сон рўйхатдан ўтказилган)* асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, қонунда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Асосий ҳисобварақ бўйича операциялар қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

- ҳисобварақ соҳибининг фармойишига биноан;
- ҳисобварақда турган пул маблағларига хатлов қўйилганда. Хатлов фақат суриштирувчи, терговчининг қарорида ёки суднинг ажримида кўрсатилган суммагагина қўйилади;
- жиноий фаолиятдан ёки терроризмни молиялашдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳоллари аниқланганда.

Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар фақат чиқим қисмида тўхтатилади.

Ҳисобрақамга нақд пул маблағлари ва банк орқали ўтказилган пул маблағлари келиб туриши мумкин.

Пул ўтказиш йўли билан (нақд пулсиз) ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар:

- ишлар, товарлар, хизматлар учун ҳақ тўлаш;
- қарз ва кредитлар;
- устав жамғармага ҳиссалар ва хоказолар тарзида келиб тушади.

Нақд пул маблағлари ҳисобрақамга корхона кассасидан:

- нақд пул тушуми қабул қилинганидан кейин;
- иш ҳақини депонентлаш, пул маблағларини ҳисобдор шахслардан қайтариш ва бошқа шунга ўхшаш вазиятларда келиб тушади.

Корхонанинг ҳисоб-китоб рақами бўйича операциялар 5110-«Ҳисоб-китоб рақами» счётида банк кўчирмалари ва уларга илова қилинган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича акс эттирилади.



1-расм. Пул маблағларининг ҳисобрақамига келиб туриши¹

Корхона ўзининг ҳисобрақами бўйича барча операцияларни шахсий ҳисоб-варақнинг ҳолатига доир кўчирмалар ёрдамида «ўқиши» мумкин. Бу банк тақдим этадиган кўчирманинг одатдагидек қоғоз шакли ҳам, электрон ҳужжат ҳам бўлиши мумкин.

Корхона танлаган банк ҳисобрақамига хизмат кўрсатиш тизимидан қатъи назар, кўчирма банк томонидан ҳисоб-китоб рақами бўйича операциялар ўтказилган ҳар бир кун учун қоғоз ёки электрон шаклида берилади. Банк операцияларни ўтказиши учун асос бўлган ҳужжатларнинг нусхалари кўчирмага илова қилинади.

Корхона ҳисобрақами бўйича банк кўчирмасида ҳам операциялар дебет ва кредит бўйича ҳисобга олинади, бироқ банк уларни мижоз учун тескари тартибда акс эттиради: маблағлар қолдиғи ва кирим кредит бўйича, маблағларни ҳисобдан чиқариш эса – дебет бўйича. Бухгалтер кўчирмаларга ишлов берганда ушбу хусусиятни ёдда тутиш ва ҳисобда акс эттираётганда буни инобатга олиши керак.

Баъзи банклар корхоналарга ҳисоб-китоб рақамидаги «бўш» маблағлардан фойдаланганлари учун ҳақ (фоизлар) тўлайдилар. Банкдан олинган ҳақни корхона фоизлар тарзидаги даромад деб эътироф этади ва 9530-«Фоизлар тарзидаги даромадлар» ҳисобварағининг кредитида акс эттиради.

Ҳисобрақамдан пул маблағларини чиқариш. Пул маблағларини ҳисобрақамдан чиқаришда корхона нақд пулсиз ҳисоб-китобларда фойдаланадиган асосий ҳисоб-китоб

¹ Муаллиф ишланмаси.

ҳужжатлари қуйидагилардир:

- тўлов топшириқномаси;
- тўлов талабномаси;
- инкассо топшириқномаси;
- аккредитивга ариза.

Уларнинг шакллари Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом (*АВ томонидан 13.04.2020 йилда 3229-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) билан белгиланган.

Тўлов топшириқномаси - билан корхона банкка муайян суммани ўзининг ҳисоб-варағидан ҳужжатда кўрсатилган ҳисобвараққа ўтказишни топширади. Агар топшириқномани корхона раҳбарлари ва бухгалтерия ҳисоби хизматлари имзолаган бўлса, банк уни ижро этишга қабул қилади. Уларнинг имзолари имзолар ва муҳр изи (агар муҳр мавжуд бўлса) намуналари бўлган карточкада кўрсатилган бўлиши керак.

Агар хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бир вақтнинг ўзида бош бухгалтерлик вазифасини ҳам бажарса (кичик корхоналарда бу ҳолат кўп учрайди), унинг ўзи тўлов топшириқномасида икки марта имзо чекади.

Агар корхона банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат қилиш тизимидан (Банк-Мижоз, Интернет-банкнинг ва б.) фойдаланса, банк маблағларни унинг ҳисоб-китоб рақамидан электрон тўлов топшириқномаси асосида ҳисобдан чиқаради. Банкка унинг қоғоз нусхасини жўнатишга ҳожат йўқ, банк уни мустақил равишда қоғозга чиқаради ва мижозга тақдим этади. Шу тарика, корхона ўзида банк қоғозга чиқарган тўлов топшириқномасининг қоғоз нусхасини сақлайди.

Қонун ҳужжатлари раҳбар ва бош бухгалтернинг имзолари электрон тўлов топшириқномасининг қоғоз нусхасига қўйилишини талаб қилмайди. Бироқ пул маблағлари ҳаракати устидан ички назорат ўрнатиш мақсадида шундай қилиш мумкин. Агар мижознинг депозит ҳисобварағида пул етарли бўлиб, банк ҳисобварағининг шартномаси эса ҳисоб-китоблар учун бошқа шартларни назарда тутмаса, банк тўлов топшириқномасини қабул қилади. Солиқлар бўйича тўлов топшириқномалари исталган ҳолда – ҳисобварақда пул бор-йўқлигидан қатъи назар, - қабул қилинади. Маблағларнинг келиб тушишига қараб уларнинг ҳаммаси бўйича белгиланган тартибда тўланади.

Корхона банкка солиқлар бўйича тўлов топшириқномасини жўнатган, солиқ органи эса айни вақтда инкассо топшириқномасини қўйиб, унинг ҳисоб-китоб рақамидан солиқ суммаси олиб бўлган ҳоллар ҳам учраб туради. Банк бир солиқни қайтадан тўламаслиги учун бухгалтер дарҳол солиқ инспекциясига келиши ва солиқлар тўланганлиги хусусида хат берилишини сўраши керак. Солиқ тўловлар бўйича тўлов топшириқномаларини корхона фақат солиқ органининг ёзма рухсати билангина чақириб олиши мумкин.

Агар тўловчининг депозит ҳисобварағидаги маблағлар етарли бўлмаса, банк солиқлар бўйича тўлов топшириқномалари бўйича қисман тўлайди. Тўлов топшириқномасининг орқа томонида – барча сумма тўлаб бўлингунига қадар – операционистнинг имзоси билан қисман тўлов суммаси ва тўлов санаси кўрсатилади.

Тўлов талабномаси - етказиб берувчи товарни юклаб жўнатган, иш бажарган ёки хизмат кўрсатган, бироқ улар учун ҳақ олинмаган ҳолларда у қарздор бўлиб қолган корхонага тўлов талабномаси қўйиб, ундан тўловни талаб қилиши мумкин.

Тўлов талабномалари акцептли ва акцепtsiz бўлади.

Акцепт - тўловчининг тўлашга розилиги. Акцептли тўлов талабномалари тўловчи ҳисобдан чиқариладиган суммани тан олгандан кейин тўловни амалга оширишни назарда туттади.

Агар тўловчи тилга олинган муддат мобайнида банкка тўловдан тўлиқ ёки қисман бош тортган ҳолда мурожаат қилмаса, тўлов талабномаси акцептланган ҳисобланади ва банк кўрсатилган суммани унинг ҳисобварағидан корхона ҳисобварағига ўтказди.

Агар қарздорга акцепциз тўлов талабномасини тақдим этилса, банк бунга тўловчининг розилиги ёхуд рози эмаслигидан қатъи назар ушбу тўловни амалга оширади.

Акцепциз тартибда маблағлар фақат тўлов талабномасига тўловчининг суммани тан олганлиги тўғрисидаги ёзма хати асл нусхада илова қилинган ҳолдагина, шунингдек кредитлар бўйича қарзнинг муддати кечиктирилганда ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

Инкассо топшириқномаси - сўзсиз тартибда – мижознинг фармойиши ва розилигисиз – пул маблағлари солиқ ва божхона органлари, суд ижрочилари ва ундирувчиларининг инкассо топшириқномаси бўйича ҳисобдан чиқарилади. Инкассо топшириқномасини фақат уни тақдим этган орган чақириб олиши мумкин.

Агар тўлов ҳужжатлари банкка қоғоз ифодаловчиларда тақдим этилса, шуни ёдда тутиш лозимки, банк доғ туширилган, ўчирилган ёки тузатишлар киритилган ҳужжатни, шунингдек ҳисобварақларнинг суммалари, номлари ва рақамлари ўзгартирилган ҳужжатларни ижрога қабул қилмайди.

«Оҳангарон цемент» АЖ жорий солиқларни тўлаш бўйича тўлов топшириқномаларини расмийлаштирди. Ҳисобварақда уларни тўлаш учун маблағлар етарли бўлмай чиқди ва банк тўлов ҳужжатларини 2-картотекага жойлаштирди. Кўп ўтмай солиқ идораси ҳудди шу солиқлар бўйича инкассо қўйди ва ҳисобвараққа келиб тушган дастлабки пул маблағларини банк уни ижро этишига йўналтирди.

Хусусий фирмаси бухгалтери бундай вазиятда тўлов топшириқномаларини уларни ижро этишигача тезда чақириб олиш кераклигини тушунади. Бироқ, сўз бюджетга тўловлар тўғрисида бораётганлиги боис, уларни банкдан чақириб олиш учун:

- *Ўз операционистини юзага келган вазиятдан огоҳлантириши;*
- *Солиқ идорасидан қарз сўндирилганлигини тасдиқловчи хат олиши зарур бўлади.*

Банк ҳисобварағи шартномасига кўра банк ўз хизматлари учун корхоналардан банк комиссияси тарзида ҳақ ундиради. Комиссия суммасини у ҳисоб-китоб рақамидан мустақил равишда – ҳар гал навбатдаги тўловни амалга оширадиган вақтда ҳисобдан чиқаради.

Тўлов одатда фақат чиқувчи (дебет) тўловлардан олинади. Агар пул ҳисоб-китоб рақамига келиб тушса, бунинг учун банк комиссияси тўланмайди. **Улар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни (шу жумладан божхона тўловлари ва давлат божи тўлаганда кичик бизнес субъектларидан комиссия ундирилмайди (ЎзР Президентининг 07.04.2014 йилдаги ПФ-4609-сон Фармони 7-бандида кўрсатилган).**

Йирик корхоналар уни ўзларининг ҳисоб-китоб рақамларидан амалга оширилган ҳар қандай тўлов учун тўлайдилар.

Корхона учун банк комиссияси давр харажати ҳисобланади ва қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан акс эттирилади:

- Д-т 9430-«Бошқа операцион харажатлар»
- К-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёти».

Корхонанинг ҳисоб-китоб счётидаги Ўзбекистан Республикаси миллий валюта пул маблағларининг миқдори ва ҳаракатини ҳисобга олиш учун 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» актив пул ҳисобварағидан фойдаланилади.

Пул маблағлари ҳисоб-китоб рақамидан ҳисобдан чиқариладиган энг кўп тарқалган хўжалик операциялари мисоллари ва уларга доир бухгалтерия проводкаларини келтирамиз.

1-жадвал. 5110 – Ҳисоб-китоб счётида амалга ошириладиган хўжалик операциялари²

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Ҳисобварарқлар корреспонденцияси		Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар
		Дебет	Кредит	
1	Маҳсулот, иш ва хизматларнинг сотилишидан олинган тушумларнинг кирим қилиниши	5110	4010	ҳисоб-китоб счётидан кўчирма
2	Асосий воситалар ва бошка активларнинг сотилишидан тушган тушумларнинг келиб тушиши	5110	4010	ҳисоб-китоб счётидан кўчирма
3	Кассадан нақд пулнинг ҳисоб-китоб счётига қайтарилиши	5110	5010	топшириш эълони ва ҳисоб-китоб счётидан кўчирма
4	Банкдан кассага пул маблағларининг келиб тушиши (меҳнат ҳақи, нафақа, мукофотлар ва бошкалар учун)	5010	5110	ҳисоб-китоб счётидан кўчирма ва пул чеклари
5	Бюджетга ҳисобланган тўловлар бўйича қарздорлик суммаларининг ўтказилиши	6410	5110	тўлов топшириқномаси, инкассо ва ҳисоб-китоб счётидан кўчирма
6	Мол етказиб берувчиларга сотиб олинган ТМЗлар қийматининг тўланиши	6010	5110	тўлов топшириқномаси, ҳисоб-китоб счётидан кўчирма

Корхонанинг операцион цикли бу активларни қайта ишлаш учун сотиб олинган пайдан бошлаб пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари учун тасарруфигача бўлган даврдир. Агар корхонанинг нормал ишлаш циклини аниқ аниқлаш мумкин бўлмаса, у ўн икки ой давомийлиги билан қабул қилинади.

Қисқа муддатли активларга, агар улар ҳисобот кунидан кейин ўн икки ой ичида амалга оширилиши кутилмаган бўлса ҳам, одатий операцион тцикл доирасида сотиладиган, сарфланадиган ёки йўқ қилинадиган активлар (захиралар ва савдо счётлари тушуми каби) киради. Бундан ташқари, қисқамуддатли активларга асосан савдо мақсадида сақланадиган активлар ва узоқ муддатли молиявий активларнинг қисқа муддатли таркибий қисми киради.

Шундай қилиб, жорий активлар қуйидаги моддаларни ўз ичига олади:

- пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари;
- Қисқа муддатли молиявий инвестициялар;
- Тушум счётлари (дебиторлик қарзлари);
- Вексел тушумлари;
- Товар-материал захиралари.

² 21-сонли БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”. (Бюллетень нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан, 2002 г., № 20; 2003 г., № 21-22; 2009 г., № 22, ст. 261; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 22, ст. 435; Национальная база данных законодательства, 13.11.2017 г., № 10/17/1181-4/0239)

- Аванс шаклида тўланган харажатлар (олдиндан тўланган харажатлар, келажакдаги даврлар харажатлари);
- Узоқ муддатли активларнинг жорий қисми;

Пул маблағлари ва пул эквивалентлари ҳисобининг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- активларни тан олиш;
- депозитлар ва бошқа пуллик инструментларнинг таснифи;
- маълумотларни ёритиб бериш.

Пул маблағлари кассадаги нақд пул ва талаб қилиб олингунгача сақланадиган депозитларни ўз ичига олади. Пул эквивалентлари осонгина маълум миқдордаги маблағларга айирбошланадиган ва қийматининг ўзгаришида аҳамиятсиз рискка дучор бўладиган қисқа муддатли юқори ликвидли инвестицияларни ифодалайди.

Пул оқимлари – бу пул маблағлари ва унинг эквивалентларининг кирими ва чиқимлари.

Пул маблағлари ва унинг эквивалентлари – бу маълум миқдордаги маблағларга осон айирбошланадиган ва қийматининг ўзгаришида аҳамиятсиз рискка дучор бўладиган моддалар. Пул маблағлари ва пул эквивалентларига дастлабки сўндириш муддати уч ойдан кам бўлган банк депозитлари киради.

Уч ойдан ортиқ муддатга мавжуд фойдаланиш бўйича чекловларга эга маблағлар пул маблағлари ва пул эквивалентларидан чиқариб ташланади. Пул маблағлари ва пул эквивалентлари амортизация қиймати бўйича акс эттирилади. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилган пул маблағларидаги тўловлар ёки тушумлар пул маблағларининг ва пул эквивалентларининг ўтказмаларини ифодалайди. Шу жумладан, банкдаги жорий ҳисоб рақамларига ҳисобланган ёки ўтказилган қийматлар, мисол учун, кредитлар бўйича фоизли даромадлар, фоизлар бўйича тўловлар ёки берилган кредитлар бўйича мижознинг ҳисоб рақамига ўтказилган қийматлар мижознинг нуқтаи назаридан пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентини ифодалайди.